## БАХТСИЗ ҲОДИСАМИ, ЁКИ...

...жиноят ишини назорат тартибида ўрганиб чиққан туман прокуратураси эътиборсиз қолдирилган айрим ҳолатларга ойдинлик киритиш зарурати туғилгач, ишни ўз юритувига олди. Тергов мобайнида жиноят иши қайта малакаланди. Олтинкўллик Баҳодир Мадалиев энди нафақат йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан машинада бир аёлни уриб юборганлиги, балки уни қасддан ўлдирганлиги учун ҳам тергов қилина бошланди.

2 бет





## «ВЕТА»ДАГИ БЕТАКРОР ЎЙИНЛАР

...чет эл фуқароларига ҳам мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритишлари учун қатор имтиёз ва шарт-шароитлар яратилди. Минг афсуски, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ана шундай тадбиркорлар орасида жиноий йўл билан даромад қилувчилар ҳам учраб турибди.

10 бет



Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan | www.huquq-gazeta.uz | 2009-yil 5-fevral, № 06 (631)


*Алишер НАВОИЙ таваллудининг 568 йиллиги олдидан*



**Кўпгина олимлар ўз асарларида инсонпарвар ғоялар ҳамда илғор қарашлар маскани бўлган машриқни дунё маданиятининг бешиги деб ҳам аташади. Бунда жон бор, албатта. Зеро Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, ал-Форобий, ал-Фарғоний, Улуғбек ва дунёга донғи кетган бошқа алломалар Шарқда таваллуд топишган. Машриқнинг машҳур фарзандларидан яна бири Алишер Навоий эди.**

**Гўзал иборалар, нозик ҳис-туйғулар тасвири устаси бўлмиш бу зот тўғрисида оддийгина қилиб гапириш осон иш эмас. Кўпгина адабиётшунос олимлар уни Шарқ осмонида чарақлаб нур сочган тонг юлдузига менгзашади. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг бой адабий мероси ўзининг чуқур маънолилиги, бадиий тасвирларга ниҳоятда бойлиги шарофатидан дунё адабиётидан муносиб ўрин эгаллаган.**

# ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАГАН ШОИР

Ул зот яратган асарларнинг бош мавзуси инсон, унинг ички дунёси ҳамда борлиққа муносабатидир. Шоир ўз асарларида дунёни бутун ранг-баранглиги билан, яъни энг майда заррачадан тортиб то чексиз коинот қадар тасвирлаган. Ўз ғояларини шоир инсоний тафаккур призмаси орқали ўтказиб, инсоннинг дунё билан омухта бўлиб кетиши орқали баён этади. Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси ва ўзбек классик адабиётининг отаси ҳисобланади, чунки ул зот биринчи бўлиб ўзбек тилида бадиий асарлар яратган. Унинг замондошлари ўз ғазалларини форс тилида ёзишар ва ўзбек тилида гўзал ғазаллар ёзиб бўлмайди деб ҳисоблашарди. Буюк шоир ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» номли асарида ўз она тилини ўзбек тилига паст назар билан қаровчи шахсларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилди ва ўзбек тилида инсонпарварлик ғояларига йўғрилган гўзал асарлар яратди. Шундай буюк асарлар яратдики, агар бу асарларни ҳозирги давримизда яратганда борми, ўнлаб маротаба Нобель мукофотига муносиб кўрилган бўлармиди.

Дарҳақиқат, бобокалон шоиримиз элим, деб юртим деб ёниб яшаган инсон бўлганлар. Бир ғазалидан олинган қуйидаги икки мисра бунга яққол далилдир:

**«Юз жафо қилса манга,**
**бир қатла фарёд айламон,**
**Элга қилса бир жафо,**
**юз қатла фарёд айларам.»**

Ҳазрат фақат буюк шоир бўлганлиги, ўзидан ўттиздан ортиқ жавоҳир асарлар қолдирганлиги учунгина эмас, балки чинакам инсонпарвар бўлганлиги учун ҳам юксак эъзозга муносибдир. Зеро ул зот фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам ўзи яшаган Ўрта асрлар схоластикасига, золимликка, тахт учун олиб борилган қонли урушларга қарши курашди, ўзини халқнинг фаровонлиги йўлига бахшида этди. Шоир ўз ҳисобидан турли маиший бинолар, мадрасалар, кутубхоналар ва касалхоналар қурдирган. Ўзининг ҳикматли сўзларидан бирида шоир шундай дейди:

**«Одами эрсанг демагил одами,**
**Онингким йўқ халқ ғамидин ғами.»**

(Давоми 3-бетда).

# ҚОНУНЛАР ХАЛҚ МАНФААТИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

**Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, адлия маслаҳатчиси Музаффар ҚУРБАНБАЕВ билан суҳбат**

**— Музаффар Исмаилович, ўтган «Ёшлар йили»да қилинган ишларни таҳлил қила туриб, 2008 йил мамлакатимиз тараққиётида муҳим босқич бўлди дейиш учун тўла асосимиз бор, шундай эмасми?**

— Дарҳақиқат, ўтган йил бир қатор муҳим воқеалар билан эсда қоладиган йил бўлди. Жумладан, 2008 йил 1 январдан бошлаб Юртбошимизнинг фармонларига асосан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Парламентимиз томонидан «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва одил фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил одимлаб бораётганини кўрсатади.

«Ёшлар йили» давлат дастурининг ижросига келсак, унда кўрсатилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун биринчи навбатда моддий манбалар, масъул идора ва ташкилотлар, тегишли ижрочилар аниқ белгилаб олинди. Дастурнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси марказда Республика комиссиясига, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича эса махсус ҳудудий комиссияларга зиммасига юклатилди. Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, давлат дастурида белгиланган вазифалар муваффақият билан адо этилди. Биргина Қорақалпоғистонда 24 млрд. 833 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланиб 11 та замонавий лицей ва коллежлар барпо қилинди. 142 та мактабда 33 млрд. 615 млн. сўмлик реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларини битирган республика ёшлари учун 10 минг 972 та янги иш ўринлари яратилди. 2 млрд. 610 минг сўм сарфланиб, 21 та спорт иншооти қурилганлиги натижасида минглаб фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун имконият яратилди. Шу ўринда 2008 йилнинг май ойида республикамиз пойтахти Нукус шаҳрида Ўзбекистон касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг финал босқичи муваффақиятли равишда ўтказилганини таъкидламоқчиман. Унда қорақалпоғистонлик ёшлар ҳам фаол қатнашиб, ўзларига билдирилган ишончни оқлашди. Жами 6 та олтин, 2 та кумуш, 5 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Қисқа қилиб айтганда, давлат дастурини бажариш учун Қорақалпоғистонда бюджет ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан жами 76 млрд. 559 млн. 684 минг сўм сарфланганлиги ҳақидаги маълумотдан қилинган ишлар кўламини тасаввур қилиш кифоя деб ўйлайман.

**— Аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш мақсадида фуқароларнинг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармон ва қарорлар қабул қилинган эди. Ушбу фармон ва қарорлар ижроси юзасидан Қорақалпоғистонда амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Юртбошимиз Ислом Каримов Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Биз танлаган тараққиёт модели, мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш, техника ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда деб айтишга барча асосларимиз бор. Ва бу сиёсат юртимизни турли салбий жараёнлар ва инқирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда», дея таъкидлаганди.

(Давоми 3-бетда).

ТАДБИР

# ИНСОН ҚАДРИ МУҚАДДАС

Фарғона шаҳар прокуратураси жойларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш борасида тадбирлар ўтказаяпти. Ана шундай тадбирлардан бири Фарғона политехника институтида бўлиб ўтди. Фарғона шаҳар прокурори Б.Деҳқонов ўз маърузасида одам савдоси жиноятларига қонунда кўзда тутилган жазо чоралари мавжудлигини ҳамда ушбу жиноятларнинг олдини олиш учун жамоатчилик билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Хусусан, Фарғона шаҳрида ўтган йили 15 та шу турдаги жиноятлар содир этилиб, 26 нафар шахс жабрланган. 11 нафар айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилган. Мисол учун, 2008 йилнинг январь ойида Тургенев номли кўча, 5-«а» уй, 11-хонадонда яшовчи Дилфуза Мўминова бир гуруҳ шахслар билан ўзаро тил бириктириб, шаҳвоний ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун одам ёллаш билан шуғулланган. Фуқаролар О.Мамедова ва Р.Жашуеваларни Дубай шаҳрида официантлик қилиб пул ишлайсизлар дея алдаб уларни йўловчи автомашинада Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳри орқали Бирлашган Араб амирликларига олиб чиқиб кетмоқчи бўлган. У жиноят устида ИИБ ходимлари томонидан ушланган. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, Д.Мўминовага суд тегишли жазо тайинлади.

Таҳлиллар бу тоифадаги жиноятларнинг 50 фоизга яқинини аёллар содир этаётганини кўрсатмоқда.

Бундай ҳолатлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари, ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати идоралари етарлича ҳамкорликда иш олиб бормаётгани оқибатида келиб чиқмоқда.

Жойларда одам савдосига қарши кураш борасидаги тарғибот ишларининг самарасини ошириш учун давлат органлари, жамоат, нодавлат ташкилотлари, айниқса, таълим тизимидаги мутахассислар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш лозим.

Жамоатчилик вакиллари, кўпсонли талабалар, олий таълим масканининг профессор-ўқитувчилари иштирок этган тадбир сўнггида муҳокама этилган мавзуга оид «Алданганлар» номли фильм намойиш этилди.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Ҳуқуқ» мухбири.**
**Абдуллажон СОДИҚОВ,**
**журналист**

ХАБАР

# КАМЧИЛИКЛАРНИ ҲАМКОРЛИКДА БАРТАРАФ ЭТАМИЗ

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг мажлислар залида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Музаффар Қурбанбаевнинг «Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2008 йил фаолияти якунлари ва келгусидаги вазифалари» юзасидан ахбороти тингланди.

Мажлисда асосий эътибор қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, шунингдек кейинги пайтларда авж олиб бораётган одам савдосига қарши курашни янада кучайтиришга қаратилди. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорликда иш юритишлари таъкидланди.

Ҳайъат йиғилишида Республика прокуратураси органларининг барча прокурор-тергов ходимлари, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи, ҳудудий бўлим бошлиқлари иштирок этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Шарафутдинов қатнашди.

Ҳайъат йиғилишида кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Янгибой БОБОЖАНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи**

**Хайдовчи ва йўловчиларнинг аксарияти бошқа вилоятларга қиёслаганда Фарғона автомагистралларининг текис ва равонлигини таъкидлашади. Айникса, халқаро ва республика аҳамиятига молик автотрассаларни мунтазам равишда таъмирлаб, жаҳон андозалари даражасида равон бўлишини таъминлаш борасида йўлсозлар режали ишлашяпти. Шу билан бирга вилоят ичидаги шаҳар ва қишлоқларни боғловчи, шаҳарлар ичидаги йўлларни таъмирлаш ва қуриш ишларига йўл жамғармаси, бюджетдан зарур маблағлар ажратилмоқда. Режалар, лойиҳалар тасдиқланиб, қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Сиртдан қараганда, ҳаммаси бинойидек туюлади. Бироқ, «Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси тизимидаги автомобил йўлларини сақлаш, таъмирлаш, улардан фойдаланиш корхоналарининг икки йиллик фаолияти сарҳисоб қилинганда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари юзага қалқиб чиқди.**

# Кўзбўямачи йўлсозлар

«Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонун, республика Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида вилоят ҳокимлиги, республика йўл жамғармаси, «Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси раҳбарлари тасдиқлаган дастурлар тўлиқ ижро этилмаяпти. 2007 йилда вилоят ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 29 йўл объектларида 740 млн. сўмлик таъмирлаш ва қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши лозим эди. Ҳақиқатда 621,6 миллион сўмлик ёки режага нисбатан 84 фоиз иш бажарилган холос.

Шарқий халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўлларни сақлашга ихтисослашган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси пудрат шартномасида кўзда тутилган 137,2 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажармаган.

Таҳлилларда кўзбўямачилик, қўшиб-ёзиш орқали йўл жамғармаси ва бюджетдан ажратилган маблағларни ўзлаштиришдек жиноий қилмишлар аниқланди. Фарғона кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг мансабдор шахслари «Хонобод-Қорасоқол», «Тошкент-Ўш» автомобиль йўлларида қилинган ишларга 15,1 миллион сўм қўшиб ёзишган. Корхонанинг марказий омборида сақланаётган 7,3 миллион сўмлик транспорт эҳтиёт қисмларини шартнома тузмасдан турли корхона ва ташкилотларга «эҳсон» қилиб юборишган. Муддати ўтган дебиторлик қарздорликни ундириш чоралари кўрилмаганлиги оқибатида ишчи-ходимларнинг 262,5 миллион сўмлик иш ҳақлари ўз вақтида тўланмаган.

Фарғона туман йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш ва фойдаланиш давлат корхонасининг мансабдор шахслари Ёзёвон тумани ҳудудидан ўтувчи «Тошкент-Ўш» автотрассасининг 283-293 километрларида бажарилган қурилиш ишлари ҳажмини ва қурилиш материаллари нархини ошириб кўрсатиш йўли билан 5,3 миллион сўм бюджет маблағларини талон-торож қилишган.

Тошкент-Қўқон-Андижон автомагистралининг Пунгон қишлоғидан ўтган 10 километрлик масофасини таъмирлаган Қўқон йўл хўжалиги таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси мансабдорлари «харажатлар»ни 2,4 миллион сўмга ошириб ёзиб ўз ҳамёнларига уришган. Корхонанинг суюлтирилган газ омбори мудири Ғ.Зияев 14,3 миллион сўмлик суюлтирилган газни ноқонуний равишда пуллаб юборган.

Сўх туманидаги йўл хўжалиги таъмирлаш пудрат фойдаланиш давлат корхонаси мансабдорлари ҳам худди шундай «усулда» 2,1 миллион сўм бюджет маблағларини ҳазм қилиб юборишган.

Баъзи туманлардаги йўл хўжалиги давлат корхоналари йўллардаги огоҳлантирувчи белгиларни ўрнатишмаган. Фуқароларнинг шу мазмундаги мурожаатларига панжа орасидан қараб келишган. Масалан, Қува туманидаги 21-умумтаълим мактаби директорининг мактаб олдига «пиёдалар ўтиш жойи», «қувиб ўтиш таъқиқланади» каби белгиларни ўрнатиб бериш тўғрисидаги мурожаати икки йил мобайнида жавобсиз қолган. Хўжа Ҳасан қишлоғида яшовчи Х.Эралиевнинг МТП ёнидан ўтишда тезликни соатига 50 километрдан оширмасликни кўрсатувчи белги қўйиш, йўл четига бетон тўсиқлар ўрнатиб беришни сўраб ёзган аризаси ҳам ҳал этилмаган.

Юқоридаги каби қонунбузилишларни бартараф этиш учун тақдимнома, протест ва даъво аризалари киритилди. 79 нафар шахс маъмурий, интизомий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 5 та жиноят иши қўзғатилди.

**Анваржон НАЗАРОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори**

**Одам савдоси инсониятнинг глобал муаммолари қаторидан ўрин олаётгани бежиз эмас. Унинг тез фурсатда халқаро терроризм, гиёҳвандлик каби иллатлар қатори тарқалиши барчамиздан бирдай огоҳлик ва хушёрлик талаб қилмоқда.**

# Алдов азоби

Мамлакатимизда бу каби жиноятнинг кенг урчишига йўл қўймаслик мақсадида одам савдосига қарши кураш борасида дастурий режалар белгиланди. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу турдаги жиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий асос ва механизмини белгилаб берди.

Шовот туманида Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва шу қарор билан тасдиқланган 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий тадбирлар режасини ижро қилиш борасида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарғиботнинг самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлар ўз натижасини бериб, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширмоқда. Буни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб тушаётган ариза, шикоят ва таклифларнинг мундарижасидан ҳам билиб олиш мумкин.

Шовот тумани Чиғатой қишлоғида яшовчи 16 нафар фуқаро ариза билан мурожаат қилиб, ҳуқуқлари бузилганини билдиришди. Маълум бўлишича, Шовот шаҳарчасида яшовчи Р.Жумабоев 2006 йилнинг июль ойидан декабрь ойига қадар одамларни алдаш йўли билан ёллаш жиноятини содир этган. Ҳар ойига усталарга 350-400 АҚШ доллари ва ишчиларга 100-200 АҚШ долларидан маош беришини ваъда қилиб, уларни бошқа жиноий шериги орқали республикамиз ҳудудидан олиб чиқиб, Қозоғистон Республикасининг Актобе вилоятида турли ишларда ишлатган. Аммо ваъда қилинган 13 минг АҚШ доллари миқдоридаги иш ҳақини бермаган. Р.Жумабоев суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Айрим юртдошларимиз катта миқдорда пул топиш илинжида чет элларга боришни лозим топишади. Аслида ҳалол меҳнат қилиб, рўзғор тебратаман деган одам учун мамлакатимизда зарур шарт-шароитлар яратилган. Кейинги йилларда кўплаб қурилишлар бўляпти, саноат корхоналари ишга туширилиши эвазига янги иш ўринлари яратилаяпти. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам хоҳ доимий, хоҳ мавсумий бўлсин ишлаш имкони мавжуд. Назаримда, чет элга ишлаш учун кетишдан олдин, ҳар бир ҳудуддаги маҳалла маслаҳатчилари ёки аҳолини иш билан таъминлаш марказларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Улар бўш иш ўринларини таклиф қилиш баробарида хорижда ишлашнинг қонуний йўл-йўриқлари хусусида тавсиялар беришади.

**Жиянбой НОРИМБЕТОВ,**
**Шовот туман прокурори**

# АЁЛ ЖИНОЯТЧИ БЎЛСА...

Хонадон фариштаси, уйнинг сариштаси, фарзандлар тарбиясига масъул, маъсума уй бекаси, исми — Гулчирой, Озода, Нафиса... ким бўлса ҳам исми жисмига монанд экан, деймиз. Уларга ҳавас билан қараймиз. Аммо гўзал исм, жарангдор фамилия ҳам Гулчеҳра Рўзиевани рисоладагидек аёллар сафига қўша олмади.

Оилали, 1 нафар фарзанднинг онаси Гулчеҳра Рўзиева асли хатирчилик бўлса-да, тақдир тақозоси билан Бухоро шаҳрида фуқаро Сайфулло Қосимов билан никоҳсиз эр-хотин бўлиб яшайди. Кексаларнинг айтишича, одамзот узоқ вақт бирга яшаса, бир-бирига ўхшаб кетар экан. Бу ўхшашлик уларнинг қиёфасида қай даражада акс этади билмадигу, аммо дунёқараш, фикрлаш оз муддат яшасанг ҳам ўхшаб кетаверар экан.

Гулчеҳра билан Сайфулло ҳам ҳамфикр бўлиб чиқишди. 2007 йил 24 июнь тунги соат 2 лар чамаси. Айнан шу пайтда Бухоро шаҳридаги Мирзо Фаёз кўчасида яшовчи Ғ.Хотамов хонадонидан 505 минг сўмлик турли буюмлар ўғирланади.

Бу ўғрилик изи кўмилиб, шов-шуви босилгач, 2008 йил 19 январь тунда Заргарон кўчаси, 8-уй эгалари доғда қолишади. Ошиғи олчи шериклар ўғриликка ўрганиб қолишгани боис, бировнинг мулкига кўз тикишдан қўрқмай қўйишди.

«Тун ноқулай. Айрим хонадонларда кундузи ҳеч ким бўлмайди», бир-бирига гап уқтириб, «тунги сеанс»ларни кундузга кўчиришди.

2008 йилнинг 31 январи. Ярим тунда ўғрилар Бухоро шаҳри, Амиробод кўчасидаги 7-уйни мўлжалга олишди. Уйга кириш эшиги қулфини «монтировка» билан осонгина очган Гулчеҳра чарм куртка, костюм-шимдан тортиб, қўлига илинган 1 млн. сўмликдан зиёд нарсаларни ўғирлади...

* * *

Суднинг қора курсисида бош эгиб ўтирган жиноятчи — аёл. Шу сўз замиридаги маънони Гулчеҳра Рўзиева уқмаслиги мумкин. Бироқ, адолатли қонунлар, адолатли жамият аёлни, жиноятчи бўлса-да, онани қадрлайди. Зеро, инсон адашади, билиб-билмай жиноятга қўл уради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 28 августдаги Амнистия қарорига асосан Г.Рўзиева жазодан озод этилди.

У ҳали ёш. Ҳаётини изга солишга, фарзандини тарбиялаб, бир оилага бека бўлишига яна бир имконият берилди. Қандай яшаш, яхши ёки ёмон ном қолдириш инсоннинг ўзига боғлиқ-ку, ахир!

**Набижон ЯХШИЕВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**
**Моҳира ШАКАРОВА, журналист**

**Дастлаб туман ИИБ тергов бўлимида оддий йўл-транспорт ҳодисаси тарзида тергов қилинаётган жиноят ишини назорат тартибида ўрганиб чиққан туман прокуратураси эътиборсиз қолдирилган айрим ҳолатларга ойдинлик киритиш зарурати туғилгач, ишни ўз юритувига олди. Тергов мобайнида жиноят иши Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми ва 97-моддаси 2-қисми «о» банди билан қайта малакаланди.**

**Олтинкўллик Баҳодир Мадалиев энди нафақат йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан машинада бир аёлни уриб юборганлиги, балки уни қасддан ўлдирганлиги учун ҳам тергов қилина бошланди.**

# Бахтсиз ҳодисами, ёки...

У икки-уч йил аввал Шаҳрихон шаҳридаги «Телеком» корхонаси бўлимларидан бирида ишлаб юрганида Акмалжон Абдуллаев билан танишиб қолган эди. Ўтган йилнинг июль ойи бошларида кўчада учрашиб қолишди.

— Ишдан бўшадим, бекорчиман, — деди Баҳодир. — Ака, бир яхшилик қилинг, ижарага «Тико»нгизни миниб турай.

— Ҳайдашни биласизми, ҳайдовчилик гувоҳномангиз борми?

— «Права»м бор, бир-икки машина минганман.

— Бўлмаса, битта ижара шартномаси тузиб, нотариусда тасдиқлатиб оламиз, кейин минаверасиз.

— Машинани берсангиз, ҳаммасини ўзим тўғрилайман...

Баҳодир «Тико»ни миниб кетди. Акмалжон телефонда гаплашиб турди. У эса «устага бердим, тузаттириб олай, кейин нотариусга бораверамиз», дея Акмалжоннинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди.

Орадан бир ҳафта ўтди. 2008 йилнинг 20 июль куни кечки пайт ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ, йўл ҳаракати қоидаларидан мутлақо бехабар Баҳодир Шаҳрихон шаҳридаги бекатда тўрт йўловчини миндириб олди. Бир аёл ва икки йигит орқага, яна бир йигит ҳайдовчининг ёнига ўтиришди. Баҳодир машинани Шаҳрихондан Кўштепа тарафга ҳайдади.

— Секинроқ юринг, — аёл машинани шамолдай учириб бораётган Баҳодирга бир-икки танбеҳ берди. Лекин унга гап кор қилмади.

— Хавотир олманг, минишни ҳавосини олганман!

Дўлан қишлоғидаги мусиқа дўкони ёнида йўловчи йигитлар тушиб қолишди. Баҳодир машинани яна учириб кетди. Лекин тезликни ошириб, рулни бошқаролмай қолди. Йўлнинг ўнг четига чиқиб кетган машина ғира-ширада қарсиллаб нимагадир урилди.

— Нима бўлди, — йўловчи аёл юраги ёрилгудек сўради. — Бировни урворди шекилли. Қайтаринг!

У истар-истамас ўттиз-қирқ метр ортга қайтди. Катта йўл четида бир аёл қонга беланиб ётарди.

— Касалхонага обориш керак!

Йўловчи аёлнинг гапи билан Баҳодир беҳуш, бироқ ҳали тирик аёлни машинанинг орқа ўриндиғига ётқизди.

— Мен ўзим касалхонага обораман.

Йўловчи аёл воқеа жойида қолди. Касалхона икки километр нарида эди. Суд-медицина экспертизаси хулосасига кўра агар уни ўша заҳоти касалхонага ётқизишганида ҳаётини асраб қолиш мумкин эди.

Бироқ, Баҳодирнинг ичини мушук таталади. Машина бировники. Ҳайдовчиликка ўқимаган, гувоҳномаси ҳам йўқ. Йўлни кесиб ўтаётган ёки қарши томондан келаётганни эмас, ўз йўлида, йўл четида бораётган одамни катта тезликда ортидан уриб юборгани учун, қамалиши тайин. Унинг хаёлида қабиҳона ўй ўрмалади. Ўликми, тирикми, олисроқ жойга элтиб ташлаб, ҳеч нарса бўлмагандай юраверса-чи? Аварияни ҳеч ким кўргани йўқ. Атроф ҳам кимсасиз эди! Йўловчи аёл! Уни танимайди, билмайди. Машинани ишончли усталарга кўрсатиб, бир кундаёқ тузаттириб олади.

Баҳодир машинани Улуғнор тумани тарафга бурди. Чўлдаги Оқтом деган жойга бир пайтлар, талабалик даврида пахта теримига чиққан эди. 35 километрча юриб, қоронғу тушганида кимсасиз далани кесиб ўтган зовур бўйида тўхтади. Ҳушсиз аёлни орқа ўриндиқдан тушириб, зовур қирғоғига судраб борди. Ўт-ўланларни юлиб устига ташлади...

Ўша куни кечки пайт марҳума Гулнорахон Норинбоева қўшни қишлоқдаги дугонасини кўриб келаман деб чиқиб кетган эди. Йўлда ҳамқишлоқ қизлар билан кўришди. Қизлар ариқда юз-қўлларини ювиб, катта йўлда бораётганларида бир неча дақиқа аввал кўришган Гулнора опанинг оёқ кийимларини кўриб қолишди. Қариндошларига хабар беришди. Қариндошлари касалхоналарга бориб, сўраб-суриштириб, Гулнорахоннинг дарагини топа олишмагач, ИИБга мурожаат этишди. Баҳодирнинг машинасида бораётиб автофалокат гувоҳи бўлган аёл — Санобархон Ҳошимова ҳам ўша куниёқ милиция бўлимига учради. Унинг кўрсатмаси бўйича автофалокатни содир этиб, жиноят изларини яширишга уринган Баҳодир Мадалиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Гумонланувчи дастлаб, қилмишини бахтсиз ҳодиса, автофалокат сифатида талқин этишга уринди. Тергов мобайнида у машинасида уриб юборган аёлни дарҳол касалхонага етказиш ўрнига, чўлдаги зовурга элтиб ташлаган ҳолатлари бирма-бир аниқланди.

Суд мажлисида далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари орқали Б.Мадалиевнинг айби тўкис исботини топди. Унга ўн олти йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

**Абобакр ТОШТОНОВ,**
**Шаҳрихон туман прокуратурасининг катта терговчиси**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сиз айтиб ўтган фармон ва қарорлар ижроси юзасидан мамлакатимизда банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Натижада тижорат банклари жами капиталининг тўртдан уч қисмини ўзида бирлаштирган саккизта етакчи тижорат банкининг умумий капитали ҳажми 2008 йил давомида 42 фоизга ошди. Қорақалпоғистон Республикаси мисолида айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда 12 та тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда. Мижознинг ўзи банк танлаши, пул маблағларини бир нечта банклардаги ҳисоб-варақларида сақлаши ва ўз маблағларини қаерда жойлашганидан қатъи назар, банкнинг исталган филиалидан олиш ҳуқуқига эгадир. Ҳозирги пайтда тижорат банклари томонидан 200 га қадар депозит турлари татбиқ этилган. Шунингдек, пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизими ривожланиб бормоқда. Республикамизда 2000 йилдан то шу кунгача аҳолининг тижорат банкларидаги маблағлари 57 баробарига ўсди.

**— Шу ўринда Республикада жиноятчиликка қарши курашиш аҳволи қандай? Криминоген вазият тўғрисида ўқувчиларга маълумот берсангиз?**

— Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борган ишлар натижасида ўтган йили республикада босқинчилик, талончилик, товламачилик, ўғирлик жиноятларининг камайишига эришилди. Шуниси қувончлики, йил давомида битта ҳам жиноят содир этилмаган маҳаллалар сони 12 тани ташкил қилди. Элликқалъа туманидаги «Чуқурқоқ» ва «Нисан» маҳалла фуқаролар йиғини ва Беруний туманидаги Олтинсой овул фуқаролар йиғинлари шулар жумласидандир.

**— Бекорчилик одамни, айниқса, ёшларни ҳар хил эгри кўчаларга бошлайди. Бунинг олдини олиш учун республика прокуратура органлари қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Кексаларимиз «бекорчидан худо безор» деб бежиз айтишмаган. Бекорчи бирон-бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Унинг салбий таъсири атрофдагилар учун хавфлидир. Статистик маълумотларга қараганда, жиноятларнинг аксарияти ана шу тоифадаги кишилар томонидан содир этилади. Шу ўринда 2008 йил май ойида Тўрткўл туманида содир этилган бир жиноятни мисол сифатида келтирмоқчиман.

Фуқаро Арзиев Марат энди қирқ ёшни қаршилаяпти. Тоғни урса талқон қилгудек кучи бор. Лекин ҳеч қаерда ишламайди. Шурохон овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшаб келган Марат муқаддам қилган жинояти учун қамалиб, амнистия қарорига асосан жазодан озод қилинганига қарамасдан, ўзига тегишли хулоса чиқармади. Такрор яна жиноятга қўл уради. 2008 йил 21 май куни Тўрткўл шаҳар Машъал кўчаси 3-уйда яшовчи 1961 йилда туғилган Нуримбетова Анаргулнинг уйидаги моддий бойликка эга чиқиш мақсадида уни ва унинг 3 ёшли асраб олган ўғлини ўта шафқатсизларча ўлдиради. Бир оиладан икки нафар шахсни қийнаб ўлдирган қотил уйдаги 9 млн. 270 минг сўмлик мол-мулкни олиб кетади.

Жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, Арзиев Марат Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топилди ва унга умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Халқимизда касални даволагандан кўра олдини олган маъқул деган гап бор. Шу маънода жиноятчиликка қарши курашишнинг энг мақбул йўли унинг олдини олишдир.

Республика прокуратураси органлари бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарғибот ишларини кучайтиришга, ўсмирлар бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкиллаштиришга, битирувчи ёшлар ва жазони ижро этиш жойларидан озод қилинганларни квотали иш ўринларига жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, прокуратура ташаббуси билан жойларда 2008 йилда 79 та меҳнат ярмаркалари ташкил қилиниб, 5460 нафар киши ишга жойлаштирилди. Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш муассасаларидан жазони ўтаб чиққан 20 нафар собиқ маҳкумлар шу тарзда ишга жойлаштирилиб, уларга моддий ёрдам берилди.

Китоб инсонни эзгуликка бошловчи энг яқин дўстдир. Шу ақидага амал қилиб республикамизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари билан ёшларнинг учрашувларини ташкил қилаяпмиз.

Шунингдек, турли спорт мусобақалари ўтказаяпмиз. Яқинда Нукус шаҳрида жаҳон андозаларига жавоб берадиган сузиш бассейни қуриб битказилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг ёшлари ўртасида сузиш мусобақаси ўтказилди. Мусобақа ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Чемпион тенгдошига қайси бола ҳавас қилмайди дейсиз? Бу улар ўртасида соғлом рақобатни, спортга қизиқишни орттиради. Китобга, спортга, санъатга, меҳнатга қизиққан боланинг эса бекорчи ишларга вақти бўлмайди. Демак, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бирга ота-она, маҳалла-кўй, таълим муассасаларининг бирдай вазифасидир.

**— Савоб ишнинг катта-кичиги бўлмайди, дейишади. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да Қорақалпоғистон қишлоқ ва овулларида қандай ўзгаришлар бўлиши режалаштирилган?**

— Бу борада махсус давлат дастури тайёрланаяпти. Унда қишлоқ инфратузилмасини тубдан яхшилаш, хусусан қишлоқларимизда маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминлаш, янги йўллар ва коммуникация тармоқларини ишга тушириш, эскиларини таъмирлаш, саноат корхоналарини барпо этиш йўли билан янги иш ўринларини яратиш орқали қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини юксалтириш сингари бир қатор эзгу ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши прокуратура органларининг иш режаларига киритилиб, доимий назоратга олинган. Бу мамлакат тараққиётидаги ҳал қилувчи омилдир. Зеро, қишлоқ ва шаҳар аҳли турмуш даражаси ўртасидаги фарқнинг йўқотилиши ёки минимал даражага туширилиши барчамизнинг ягона мақсадимиз — Ўзбекистонда буюк келажак қуришга хизмат қилади. Бунга республикамизда имкониятлар етарли деб ҳисоблайман.

**— Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун Сизнингча нималарга эътибор бериш, қандай ишларни амалга ошириш керак?**

— Жуда залворли савол бердингиз. Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун, менимча, аввало одамларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимини ошириш, оилаларидаги ортиқча, кераксиз сарф-харажатларга барҳам бериш зарур. Бундан ташқари, ишсизлик муаммосига барҳам бериш лозим. Шунга эришиш керакки, ҳеч бир оилада ишсиз қолмасин. Яна, республика шароитидан келиб чиқиб, қўшимча даромад манбаи бўлмиш чорвачиликка эътиборни оширишимиз талаб этилади. Зеро, бу борада Президентимиз ва ҳукуматимизнинг махсус қарорлари чиқарилганлиги бежиз эмас. Халқимиз бекорга асаларичилик, балиқчилик, паррандачилик қатори чорвачиликни етти хазинанинг бири деб ҳисобламаган. Бизда соҳани ривожлантириш учун база ҳам, моддий шароит ҳам бор. Ҳамма гап улардан оқилона, самарали фойдаланишда.

**— Музаффар Исмаилович, Сизга мазмунли суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдириб, келгуси ишларингизда соғлиқ-саломатлик ва муваффақиятлар тилаб қоламиз.**

**Суҳбатни «Huquq» мухбири Нуриддин ОҚНАЗАРОВ ёзиб олди**

# ҚОНУНЛАР ХАЛҚ МАНФААТИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, Шўролар даврида Алишер Навоий ижоди фақат бир томонлама ўрганилар эди. Ҳазратнинг дин, шариат тўғрисида сўз юритилган асарлари чоп этилаётганда аёвсиз равишда қисқартириб ташланарди. Шўро олимлари ўз илмий ишларида Навоийни ўтакетган атеист (динсиз) сифатида тасвирлаганлар. Бунинг исботи тариқасида улар Алишер Навоийнинг динни ниқоб қилиб олиб, бойлик, шахсий ҳузур-ҳаловат ортидан қувган баъзи «диндорлар»ни, муллалар ва шайхларни танқид қилган мисраларини келтирганлар. Ҳа, Навоий асарларида шундай мисралар ҳам бор, аммо бу мисраларни синчиклаб ўқийдиган бўлсак, улар Оллоҳ номидан гапирган, аммо биринчи навбатда ўз жиғилдонини ўйлайдиган, халқини эмас, халқумини биринчи ўринга қўйдиган «диндорлар» тўғрисида эканлиги ойдек равшан бўлади. Алишер Навоий яшаган даврни динсиз тасаввур қилиш ақлга сиғмайди, бу давр дин, шариат гуркираб яшнаган давр бўлган. Шоирнинг қарийб барча асарлари аввалбошда Оллоҳга ҳамду сано айтиш билан бошланган. Аммо Шўролар даврида чоп этилганда бу асарлардаги Оллоҳга ва пайғамбарга бағишланган ҳамд ва наът олиб ташланган. Фақат мустақилликдан кейин Ўзбекистонда чоп этилган асарларда биз Оллоҳ шаънига айтилган ҳамду саноларни ўқишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, Навоий мўмин-мусулмон киши бўлган, зеро бобомизнинг ғазалларида биз тез-тез Ислом пайғамбари Муҳаммад Мустафо исмини, насронийлик дини пайғамбари Исо Масиҳ исмини учратамиз. Бу билан биз Навоий худди Аҳмад Яссавийга ўхшаш таркидунёчиликка тарғиб этган ўта диндор шоир эди демоқчи эмасмиз, йўқ, таркидунёчилик эмас, балки умуминсоний ва инсонпарвар ғоялар, Ватанга, халққа муҳаббат, тинчлик, дўстлик ва бирдамликка тарғиб этиш ғоялари шоир асарларининг ўқ илдизидир. Ҳазрат асарларининг асосий қаҳрамонлари эса турли миллат вакиллари, яъни ўзбеклар, ҳиндлар, хитойликлар, араблар, арманлар ва бошқа халқларнинг вакилларидир. Бу ҳол шоир асарларининг халқаро характерга эга эканлигидан, унинг ўзи эса барча халқларнинг ўзаро баҳамжиҳат, дўстона умргузаронлик қилишлари тарафдори бўлганлигидан далолат беради.



Энди яна ҳазратнинг «элим деб, юртим деб ёниб яшаган инсон» бўлганликлари масаласига қайтайлик. Алишер Навоий ўз юртининг тинч ва обод бўлишига катта ҳисса қўшган зотлардан бўлган. Дўсти Ҳусайн Бойқаро давлат тепасига келгач, Навоий муҳрдорлик, кейин бош вазир лавозимларида хизмат қилиб, адолатли давлат, бахтли жамият барпо этиш орзуларини қўлдан келганча амалга оширган. Аммо чор-атрофда ҳокимиятни қўлга киритиш, катта бойликка эга бўлиш илинжида инсон қиёфасидаги бўрилар изғиб юрган бир шароитда бундай давлатни барпо этиш сароба ўхшаш бир нарса эди, холос. Шундай бўлса ҳам, шоир Ҳусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлашда анча хизмат қилган. 1470 йилда шаҳзода Ёдгор Муҳаммад Астрободда Ҳусайн Бойқарога қарши қўзғолон кўтариб, Ҳиротни эгаллаганда, Навоий Ёдгор Муҳаммаднинг қароргоҳи бўлмиш «Боғи зоғон»га қилич кўтарганча биринчи бўлиб киради, қўшин унинг ортидан кириб, Ёдгорни қўлга туширади.

Ривоят қилишларича, Алишер Навоий ҳаж сафарини адо этолмаган эканлар. Шу боис кўпгина мутаассиб домлалар шоир бобомизни ҳатто кофирга чиқариб қўйган ҳолларда ҳам юз берган дейишади. Маълумки, ҳазрат яшаган давр, юқорида айтиб ўтганимиздек Ислом дини гуркираб яшнаган давр эди. Талаб бўйича эса, қўлидан келган ҳар бир мўмин-мусулмон умрида бир марта ҳаж сафарини адо этиши шарт. Навоий бобомиз ҳар қандай нуқтаи назардан ҳаж сафарини адо этиш қўлидан келадиган мўминлар сирасидан бўлган, зеро бойлиги етарли бўлган, ул зот ҳажга кетса орқасида очликдан чирқираб қоладиган бола-чақаси, аҳлу аёли бўлмаган. Аммо биронта манбада Навоий ҳазратлари ҳажга борган деган маълумотни учратмадик. Дин ва шариат гуркираб яшнаган бир даврда ҳаж ибодатини адо этмаслик бир қараганда қандайдир эриш туюлади, аммо...

Аниқланишича, Навоий ҳазратлари ҳаж сафари хусусида маслаҳат сўраб устози ва пири ҳазрат Жомийга мурожаат қилган ва боришга ижозат сўраб бир неча бор Ҳусайн Бойқаронинг олдига кирган. Жомий ҳазратлари «Алишер, сиз ҳозирги лавозимингизда ишлаб турганингизда элга кўпроқ наф етказасиз, унинг савоби ҳаж ибодатини адо этганлик учун бериладиган ажрдан кўп бора устунроқдир, деб ўйлайман» деган бўлсалар, шоҳ ҳар сафар «Алишер, дўстим, сиз ҳажга кетсангиз, мен бир ўзим давлатни бошқаришда қийналиб қоламан, раиятнинг ҳоли не кечади» деган баҳонада ул кишига рухсат бермаган экан. Элнинг, раиятнинг тинчлигини, фаровон турмушини ўйлаб, ўзини диннинг маълум талабини адо этмаганлиги учун бериладиган жазога мустаҳиқ қилиш, майли, жазолансам, жазоланай, аммо элимнинг бошига кулфат тушмасин дейиш... Бундан ортиқ қаҳрамонлик бўладими?

Инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини, қадр-қимматини баҳолаб Навоий шундай ёзади:

**«Халқ аро яхшироқ дединг кимдир**
**Эшитиб шубҳа айла рафъ андин.**
**Яхшироқ бил ани улус ораким,**
**Етса кўпроқ улусга нафъ андин».**

Башарият тарихида ана шу андозага муносиб келадиган инсон, улусга энг кўп наф етказган, ўзининг бутун ҳаётини «элим деб, юртим деб ёниб яшашга» бахшида этган зот буюк бобокалонимиз ҳазрат Навоий эдилар. Ул зотнинг панд-насиҳатларига, ўгитларига амал қилган, қилган амалларидан ўзига намуна олган ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди.

**Зиёдулла ХИДИРОВ,**
**ТДЮИ тадқиқотчиси.**
**Йўлдош ПАРДА, журналист**

# Элим деб, юртим деб яшаган шоир

**Туркистон бозорлари, хусусан, азим Тошкент бозорлари қадимдан етти иқлимга маълуму машҳур бўлиб келган. Ҳамиша гавжум Шош бозорлари барчани оҳанрабодек ўзига тортаверган. Бозорларнинг бу «қуввати» бугунги кунимизга келиб янаям ортгандай гўё. Сўзимизда муболаға бор деб ўйлаётган бўлсангиз, вақт топиб пойтахт бозорларига бир тушинг ва ишонч ҳосил қилинг.**
**Анъанага кўра, «мозийга қайтиб иш кўрмоқ»чи бўлсак, Тошкент бозорларининг ёши азим шаҳарнинг ёши билан теппа-тенгдир. Бунга кўҳна шаҳарнинг Буюк ипак йўлида жойлашганидан ташқари географик қулай минтақада эканлиги ҳам имкон берган. Тошкентнинг «Шарқ дарвозаси» дея рамзий номланиши бежизга эмас ахир. Аввал бошданоқ моҳир савдогарлар, ҳунармандлар, баққолу баззозлар даврон сурган Тошкент шаҳридаги бозорлар ҳар доим муҳим молиявий институт вазифасини ўтаб келган.**
**Бугунги кундачи? Марказий Осиёнинг энг йирик ва ривожланган шаҳрига айланган Тошкент шаҳри бозорларининг бугунги қиёфаси ва тутган ўрни қандай?**

## *Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан*




# Тошкент бозорлари

Турган гапки, ҳар қандай бунёдкорлик ва ободликка ўз-ўзидан эришилмайди. Юртимиз бозорларининг йил сайин замонавийлашиб, кўркам кўринишга эга бўлиб бораётгани, улардаги харидорлар ва сотувчилар учун яратилаётган шарт-шароитлар негизида ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар турибди.

Президентимизнинг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда ушбу Фармон ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам айнан шунга қаратилгандир.

Айни пайтда пойтахтимиздаги асосий бозорларни ўз таркибига бирлаштирган «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси ҳам юқоридаги қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилган. Мазкур уюшма таркибидаги бозорларнинг умумий майдони 140 гектарни ташкил қилиб, улардаги савдо жойларининг умумий сони 28 минг 249 тага етар экан. Сўнгги йиллар ичида Вазирлар Маҳкамасининг 330-сонли қарорига мувофиқ бозорлар ҳудудида замонавий савдо мажмуаларини барпо этиш ишлари янги босқичга чиқди. Ушбу давр мобайнида 13 та янги замонавий ихтисослашган савдо мажмуалари қуриб битказилиб, аҳолига фойдаланиш учун топширилди. Хусусан, «Авиасозлар деҳқон бозори»даги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гўшт маҳсулотлари савдосига ихтисослашган «Ҳамза савдо мажмуаси», «Олой деҳқон бозори»даги «Балиқ савдо мажмуаси», «Гўшт мажмуаси» ва «Тайёр кийимлар мажмуаси», «Юнусобод деҳқон бозори»даги «Гўшт ва гўшт маҳсулотлари савдо мажмуаси» ва «Қандолат ва сут маҳсулотлари савдо мажмуаси», «Эски-Жува деҳқон бозори»даги «Гўшт ва гўшт маҳсулотлари савдо мажмуаси», «Миллий қандолат савдо мажмуаси», «Беш-Ёғоч деҳқон бозори»-даги «Қандолат маҳсулотлари савдо мажмуаси», «Озиқ-овқат маҳсулотлари савдо мажмуаси» ҳамда «Қандолат ва сут маҳсулотлари савдо мажмуаси», «Фарҳод», «Миробод» ва «Қўйлиқ» деҳқон бозорларидаги «Гўшт маҳсулотлари» савдо мажмуалари шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси бозор инфратузилмасини замон талабларига мувофиқлаштиришга, бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, «Чорсу буюм бозори» ҳудудида «Миллий кийимлар» савдо мажмуаси ҳамда «Эски-Жўва деҳқон бозори» ҳудудида 4 та янги мажмуа: «Полиз маҳсулотлари» ва «Миллий таомлар», «Нон ва гул» растаси қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуаларда харидорлар ва тижоратчилар учун барча шароитлар яратилган. Буларга аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича 36 та сартарошхона, 19 та фотосалон, 260 ўринли меҳмонхона, 290 та пойафзал таъмирлаш устахонаси, 18 та соатсозлик устахонаси, 24 та пуллик автотўхташ жойлари фаолият кўрсатаётганини мисол қилиш мумкин.

Бозорлар ҳудудида Давлат солиқ инспекцияси, Ички ишлар бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг таянч пунктлари ва ветеринария лабораториялари фаолият кўрсатмоқда.

Сотувчилар хизмати учун 4800 дан ортиқ Давлат қиёслаш кўригидан ўтказилган комплект тош ва тарози, 700 кв. метрли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлаш омборлари, 400 тонна маҳсулот сақлаш учун махсус совутиш хоналари, 1100 дан ортиқ юк ташиш аравачалари мавжуд. Булардан ташқари, бозорлар балансида бўлган жами 785 та савдо дўконлари, 103 та ошхона, 110 та маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Эътибор берган бўлсангиз, бозор ҳудудига кириш жойларида шаҳар бўйича бир хил кўринишда, бадиий услубда ишланган, бозорга оид барча маълумотларни ўзида жамлаган паннолар ўрнатилган.

Деҳқон бозорлари фаолиятини яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва кундалик нақд пул тушумларини тартибга солиш мақсадида, кундалик «жой ва хизмат ҳақи» (патта) тушумлари йиғилиши компьютерлаштирилган тизимга ўтказилган. Банк муассасаларининг компьютерлар билан жиҳозланган «ғазнахона»лари бозорлар ҳудудида жойлашган. Айрим шахобчалардаги тушумлар эса кўчма кассалар орқали компьютерлаштирилган тизимга киритилмоқда.

Тошкент шаҳар аҳолисини арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда деҳқон бозорларида нархларнинг сунъий ошиб кетишининг олдини олиш борасида ҳам самарали фаолият олиб борилмоқда. Масалан, ўтган йилда бозорлар томонидан Тошкент вилояти агрофирмалари ва деҳқон-фермер хўжаликлари билан 32,1 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жой ҳақи тўламасдан арзон нархларда сотишлари учун ижара шартномалари тузилган. Шунингдек, бозорларнинг савдо-харид корхоналари томонидан Республикамиз вилоятларидаги агрофирмалар ва деҳқон-фермер хўжаликлари билан салкам 9 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келтириб сотиш бўйича шартномалар имзоланган.

2008 йилда бозорларнинг савдо-харид корхоналари томонидан 4205,76 тонна, шу жумладан, 1649,44 тонна картошка, 1191,34 тонна пиёз, 222,38 тонна сабзи, 150,78 тонна карам, 288,63 тонна гуруч, 82,2 тонна гўшт, 32,45 тонна балиқ ва 588,54 тонна бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтирилиб, аҳолига арзонлаштирилган нархларда сотилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 6 сентябрдаги «Тошкент шаҳри аҳолисига сифатли ва арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш, савдодаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 788-сонли қарорига мувофиқ шаҳар аҳолисига қиш мавсумида сотиш учун «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасига 1000 тонна картошка ва 500 тонна пиёз заҳирасини тайёрлаш вазифаси режа қилиб берилган эди. Амалда бозорлар иштирокида ташкил этилган «Тошкент матлубот савдо» корхонаси томонидан жами 2006 тонна картошка, 1072 тонна пиёз, 269 тонна сабзи, 42 тонна гуруч, 20 тонна мош, 10 тонна нўхат ва 22 тонна ловия маҳсулотлари заҳирага қўйилди.

Ўтган йилда пойтахтимиз аҳолисини эртаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида «Тошкент матлубот савдо» корхонаси ва Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Самарқанд вилоятининг агрофирмалари ўртасида 2500 тонна картошка, 500 тонна пиёз, 500 тонна эртаги карам, 125 тонна сабзи сотиб олиш учун фьючерс шартномалари имзоланган. Ушбу шартномаларга асосан, олдиндан, агрофирмаларнинг ҳисоб рақамига «бўнак» ўтказиб берилган ҳамда 414,1 тонна картошка, 129,9 тонна пиёз, 43,9 тонна карам олиб келиниб, пойтахт аҳолисига арзонлаштирилган нархларда сотилган.

2008-2009 йил куз-қиш мавсумида 1012,0 тонна картошка, 516,2 тонна пиёз, 107,0 тонна сабзи, 53,0 тонна гуруч ва 51 тонна дуккакли маҳсулотлар заҳирага қўйилган. Яъниким, қиш-қировли кунларда ҳам бу маҳсулотлар нархининг сунъий равишда ошиб кетишининг олди олинди.

Яна рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган 2008 йилда Тошкент бозорларида 4707,2 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан 2691 тонна картошка, 1386 тонна пиёз, 287 тонна сабзи, 126 тонна карам, 54 тонна гуруч, 122,5 тонна гўшт, 40,7 тонна дуккакли маҳсулотлар, 636 минг литр писта ёғи ва 3,3 млн. дона тухум арзонлаштирилган нархларда сотилган. Бу жараён жорий йилда ҳам давом этмоқда.

Бозорларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва шароитларни яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган 2008 йилда бажарилиши лозим бўлган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари Дастури асосида кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Ўқувчиларимизда аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун амалга оширилган ишларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

— «Авиасозлар деҳқон бозори» ҳудудида мавжуд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо шийпони давомига қўшимча 80 ўринли савдо шийпони қурилди;

— «Аския деҳқон бозори» ҳудудида жами 202 та турғун савдо дўконлари қурилиши бошланди;

— «Беш-ёғоч деҳқон бозори»-нинг «Чилонзор» шахобчаси ҳудудида таъмирлаш ишлари бажарилиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилган;

— «Наврўз деҳқон бозори»нинг «Ширин» шахобчаси ҳудудида 20 ўринли «Балиқ мажмуаси», 28 савдо ўринли «Гўшт маҳсулотлари» павилонлари қурилди;

— «Олой деҳқон бозори» ҳудудидаги «Қуруқ мевалар» савдо шийпони металконструкцияларини бўяш, бозор ҳудудини 1000 $м^2$ майдонига асфальт ётқизиш ҳамда мавжуд савдо шийпонларини ёритиш тизимини янгилаш ишлари бажарилди;

— «Эски-Жўва деҳқон бозори» ҳудудида Сақичмон кўчаси томонидан кириш аркасини замонавий услубда қайта таъмирлаш ишлари бажарилди;

— «Фарҳод деҳқон бозори» ҳудудида ҳам жуда катта ҳажмдаги таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Замонавий гўшт ва балиқ савдо мажмуаси ташкил этилди.

Биламизки, бозорлар ҳудуди аҳоли энг кўп йиғиладиган жойлар сирасига киради. Шу сабабли улардаги санитария ҳолати ва озодалиги кўп эътибор талаб қиладиган масала ҳисобланади. Бозорларнинг санитария ҳолатини яхшилаш учун расталарнинг устига банер қопланди, маҳсулотлар учун пластмасса идишлар олинган, сотувчилар халат, фартук каби махсус кийимлар билан таъминланган. Бозорларнинг санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш мақсадида чиқинди йиғиш контейнерлари ва бозор ҳудудининг ҳар 15-20 метр жойига чиқинди йиғиш мосламалари ўрнатилган.

Тез-тез ўтказиб туриладиган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари ҳамда ҳашарларда бозорлар ҳудудидаги ирригация тармоқлари, теварак-атроф чиқиндилардан тозаланади, манзарали дарахтлар ва гул кўчатлари экилади.

Бозорлар фаолиятига назар ташлар эканмиз, яна бир жиҳатга эътибор қаратишни лозим топдик. Байрам кунлари бозорлар ёрдамида шаҳримиздаги меҳрибонлик ва мурувват уйларида байрам дастурхонлари ташкиллаштирилиб, тарбияланувчиларга совға-саломлар улашишдек савобли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айтиш мумкинки, умумхалқ байрамлари, халқ сайллари ўтказилишида бозорлар четда тургани йўқ.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида Алишер Навоий номли «Миллий боғ»да ташкил этилган «қовун сайли» кўпчилик ҳамшаҳарларимизда жуда яхши таассурот қолдирган эди. Бу ҳам кун сайин ободлашиб бораётган бозорлар томонидан амалга оширилган тадбирлардан бири эди.

Биламизки, бозор ободлиги — юрт ободлигидан далолат. Бозорларимиз обод бўлаверсин.

**Ш.МАҲМУДОВ тайёрлади**

# «Beta» даги бетакрор ўйинлар

**Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга катта имкониятлар яратилган. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, уларни тўлақонли ривожлантириш йўлида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, чет эл фуқароларига ҳам мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритишлари учун қатор имтиёз ва шарт-шароитлар яратилди. Бу албатта, юрт равнақи, эл фаровонлиги, аҳолининг турмуш даражаси юксалишида муҳим аҳамият касб этади. Минг афсуски, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ана шундай тадбиркорлар орасида солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида амалга оширмасдан, жиноий йўл билан даромад қилувчилар ҳам учраб турибди.**





### ЖИНОИЙ УЮШМАНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Туркиянинг Палу шаҳрида туғилган Махсун Гул ҳам мамлакатимизга бирни икки қиламан, фойда кўраман деб келган тадбиркорлардан биридир. У 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1996 йилда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган «Beta Algoritm anonim shirketi» МЧЖ шаклидаги чет эл корхонасининг бош директори бўлгач, корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида истиқбол режаларини ишлаб чиқди. Бу эса корхонанинг фаолиятини тубдан ўзгартириб, ишлаб чиқариш, импорт маҳсулотларининг доимийлигини таъминлади. Истеъмолчиларга сифатли маҳсулотларни етказиш орқали юртимиз тадбиркорлик бозорида ўз ўрнига эга бўлди.

Иштаҳа овқат пайтида келади деганларидай, Махсун Гулнинг иштаҳаси карнай бўлиб кетди. Олдин тўғри, қонуний ишлаб келган тадбиркор энди кўпроқ фойда келтирадиган ғайри қонуний йўллардан юриб кўришни ҳам ўйлаб қолди. Шу мақсадда И.Чингиташни мазкур корхонага бош иқтисодчи, А.Герасимовни эса бош ҳисобчи, Гокхан Танривердини тижорат ишлари бўйича директор, Озжан Акужанни шарбат, сув ва совуқ чой ишлаб чиқариш директори, Жаваншир Бежановни чой ишлаб чиқариш директори лавозимларига тайинлади. Жиноий гуруҳ олдига расмий ҳисоботларда кўрсатилмаган хом ашё ва бошқа ёрдамчи материаллардан ҳисобсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий қисмини бозор ҳамда савдо дўконларига, шунингдек, жисмоний шахсларга нақд пулга сотиш, сотувдан тушган пулни «қора бозор»ларда чет эл валютасига алмаштириш каби қатор вазифаларни топширди.

И.Чингиташ бошчилигидаги Б.Юлдашев, А.Юлдашев ва бошқалардан иборат гуруҳ ноқонуний нақд пул айланмасини назоратга олган ҳолда нақд пулни чет эл валютасига айлантириб, мунтазам Туркиядаги таъсисчиларга яширин ҳисоботлар жўнатиб турди.

А.Герасимов раҳбарлигидаги фуқаролар М.Алиакбарова, Л.Фармонова, С.Юлдашева, Ш.Расулова ва бошқалардан иборат гуруҳ эса кунлик расмий ва яширин бухгалтерияни мувофиқлаштириб, солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида солиқ солинадиган объектларни қасддан яшириб, тузилган сохта ҳисоботларни расмий ҳисобот сифатида назорат органларига қойилмақом қилиб тақдим этиб келадилар.

Гокхан Танриверди қўл остидаги Меҳмет Гул, Гулшен Байрам, Аксай Ферхад, Теке Жемил, А.Аманов, А.Игамбердиева ва бошқалардан иборат яна бир гуруҳ эса корхонага иқтисодий жиноятларни содир этишга мойил «кўнгилли»ларни жалб қилиб, уларни гўёки савдо агентлари, менеджер, диллер каби вазифаларга расмий ёки норасмий равишда ишга қабул қилиш билан шуғулланади. Шу орқали тайёр маҳсулотларнинг жиноий уюшма томонидан савдо нуқталарига нақд пулга сотилишини амалга ошириб, кунлик яширин ҳисоботларни корхона ҳисобхонасига топширишади.

Озжан Акужан раҳбарлигидаги гуруҳ корхона ишчилари У.Тиллаев, Э.Рўзибоев,Э.Раҳимов ва бошқалардан иборат бўлиб, улар маҳаллий корхоналардан нақд пулга ҳисобсиз хом ашё ва бошқа материалларни сотиб олиш, уларни расмий ҳисоботларга киритмай имкон қадар кўп миқдорда шарбат, совуқ чой ва сув маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бу маҳсулотларни яширин бухгалтерия юритиш асосида бош бухгалтерияга тақдим этиш, шарбат ва хом ашё омборларининг ҳисоботларини яширин бухгалтерияга мослаш орқали Махсун Гул дошқозонига ташланажак масаллиқларга муносиб ҳисса қўшишади.

Корхона аъзолари Аловшат Алиев, У.Иминов, Р.Базарбаев, Р.Аминов ва бошқалардан иборат Жаваншир Бежанов раҳбарлигидаги гуруҳ ҳам худди Озжан Акужан системаси билан иш кўрган. Яъни улар ҳам маҳаллий корхоналардан нақд пулга ҳисобсиз хом ашё ва бошқа ёрдамчи материалларни сотиб олиш, улардан чой маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келишган.

Натижада, томоша «режиссёри» Махсун Гул «қобилиятли актёрлар» кўмагида ажойиб саҳна асарини яратди.

### ҚОЙИЛМАҚОМ «ИМПОРТ»

Махсун Гул яқин қариндошлари таъсисчилигидаги «Beta Gida Sanayi ve Ticaret A.S.» компаниясидан юртимизга импорт қилинган 2 граммлик пакетчалардаги «Tea Bags» чойларини божхона маскани орқали ўтказишда яна ноқонуний йўлни маъқул кўрди. Махсун Гул бошчилигидаги жиноий гуруҳ товарни божхона тўловлари ҳисобланмайдиган қилиб расмийлаштиришди ҳамда солиқ ва бож тўловларини тўлашдан бўйин товлашди. Натижада, жиноий уюшма 2004-2007 йилларда божхона тўловларини кам тўлаб, жами 103 млн. 800 минг 240 сўм қийматида давлат бюджетига зарар етказишди.

Шунингдек, улар 2004-2007 йиллар орасида четдан импорт қилинган ва корхонада ишлаб чиқарилиб, бухгалтерияга киримга олинмаган маҳсулотларни ва қонунга зид равишда божхона расмийлаштирувидан ўтказилган хом ашёларни уюшган гуруҳнинг фаол аъзолари Э.Раҳимов ва Р.Аминовларнинг омборларига туширишган.

Ўз навбатида Э.Раҳимов ва Р.Аминовлар бу хом ашёни корхонанинг расмий ҳисоботларига қўшмасдан, иккиламчи хуфёна тарзда юритилган бухгалтерия ҳужжатлари асосида ишлаб чиқариш цехларига чиқим қилишди. Жиноий гуруҳ раҳбарлари Озжан Акужан ва Ж.Бежановлар қабул қилинган хом ашёдан тайёр маҳсулот тайёрлаб, расмий ҳисоботларда кўрсатмасдан жами 19 млрд. 213 млн. 842,4 минг сўмлик тайёр маҳсулотларни иккиламчи хуфёна тарзда юритилган ҳисоботлар орқали Р.Базарбаев ва Э.Раҳимовларнинг омборларига топширишган.

Шундан сўнг, гуруҳ раҳбари Гокхан Танриверди қўл остидаги савдо агентлари, диллерлар ҳамда вилоятлардаги филиаллар орқали маҳсулотни тадбиркорлик субъектлари, жисмоний шахсларга нақд пулга сотиб, сотувдан тушган пулларни назорат касса машинасидан ўтказмай, жиноий гуруҳнинг аъзоси Б.Юлдашевга етказади. Шу тариқа ҳисобот даврида соф тушум ҳажми 14 млрд. 856 млн. 602,6 минг сўмга камайтириб кўрсатилади.

Натижада, давлат бюджетига Махсун Гул, Гокхан Танриверди, Озжан Акужан, Ж.Бежанов, А.Герасимов ва Б.Юлдашевлар томонидан 2004-2007 йилларда жами 5 млрд. 714 млн. 759,5 минг сўм, Р.Базарбаев ва Э.Раҳимовлар 2005-2007 йилларда 4 млрд. 777 млн. 963,8 минг сўм, Р.Аминов томонидан 2006-2007 йилларда 3 млрд. 3 млн. 171 минг сўм солиқ ва мажбурий тўловларни қасддан тўламаганлиги оқибатида жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилган.

### СОХТА ТАДБИРКОРЛИК

Жиноий уюшма жиноий қилмишларини яшириш ва ноқонуний фаолиятлари фош этилишининг олдини олиш мақсадида Гокхан Танриверди раҳбарлигидаги гуруҳнинг фаол аъзолари А.Сагатов ва А.Амоновлар номига Низом жамғармаси 27 млн. 210 минг сўм бўлган, «Beta Algoritm anonim shirketi» МЧЖ таъсисчилигидаги «PLAY KLASS» МЧЖни ташкил этишади. 2004-2005 йиллар давомида нақд пулга сотилган тайёр маҳсулотнинг 326 млн. 161 минг сўмлик қисми сохта ҳужжатлар асосида ушбу жамиятга харажатга чиқарилиб, норасмий диллер ва савдо агентлари томонидан маҳсулотларни нақд пулга сотишдан тушган 325 млн. 524 минг сўм ва 637 АҚШ долларини шу жамият номидан корхона кассири Б.Юлдашевга норасмий хуфёна тарзда топширган. Шу билан бирга, пулларни нақдлаштиришда хуфёна иқтисодиёт билан шуғулланувчи хусусий фирмалар билан норасмий пул ўтказмаларини амалга оширганлар.

Жиноий уюшма жиноий йўл билан топилган маблағлар ҳисобидан хом ашёни сотиб олиш бўйича ҳам ноқонуний тадбиркорлик юритган. Бунда улар шакар, концентрат, газли сув учун патацион химикатлар, пластик идиш ва бошқа ёрдамчи материалларни жуда кўп миқдорда сотиб олишган. Мисол тариқасида 2006 йилнинг ўзида тадбиркор Б.Насировдан 140 тонна шакарни 124 млн. сўмга, «Green World» корхонасидан 4,5 тонна олма пюресини 1350 АҚШ долларига, газли сув учун патацион химикатларни 2700 АҚШ долларига нақд пулга сотиб олиб, тўловни корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни нақд пулга сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан қоплаган. Ноқонуний сотиб олинган бу хом ашёдан тайёрланган маҳсулотлар расмий ҳисоботларга киритилмасдан, Гокхан Танриверди қўл остида ишлаётган савдо агентлари, диллерлар ва ҳудудий филиаллар орқали нақд пулга сотилган.

### СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТЛАР САВДОСИ

Махсун Гул ноқонуний бойлик орттириб, жиноий даромадларини янада кўпайтириш мақсадида гуруҳ раҳбарлари билан келишди. Унга биноан, 2006-2007 йиллар давомида корхонада ишлаб чиқарилган 13 турдаги 11 млн. 807,9 минг сўмлик чой маҳсулотларини сертификатланмаган ҳолда сотишга эришган бўлса, 2007 йил июль ойида истеъмолга яроқлилик муддати тугаганлиги сабабли истеъмолдан чиқарилган 10 турдаги 608,4 кг. 11 млн. 600 минг сўмлик чойларни ҳам сотиб юборишган. Истеъмолчилар ҳуқуқларини поймол қилиб, ишлаб чиқарилган вақти номаълум бўлган 7278 кг. турли идишларга қадоқланган 27 млн. 200 минг сўмлик катта миқдордаги чой маҳсулотларининг устки қисмига 2007 йил апрель ойида ишлаб чиқарилиб, яроқлилик муддати 2010 йил апрелга қадар бўлгани хусусида ёлғон маълумот киритишган. Ёрлиқларни қўлбола усулда жойлаштириб, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни сотишган.

Шунингдек, уюшган гуруҳ раҳбари О.Акужан гуруҳнинг фаол аъзоси Р.Базарбаев билан бирга сотиш мақсадида ишлаб чиқариш вақти, яроқлилик муддатлари, маҳсулотнинг номи кўрсатилмаган 845 дона металл сиғимлардаги пюре ва концентратлардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришган.

Жиноий уюшма раҳбари Махсун Гул бошчилигидаги уюшган жиноий гуруҳнинг ноқонуний ишлари бу билан тугамайди. Улар яширин бухгалтерия орқали хуфёна тарзда йиғилган пулларни «қора бозор»да ноқонуний равишда чет эл валютасига алмаштириб, хорижга ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетишнинг ҳам уддасидан чиқишади. Жумладан, 2004-2007 йиллар давомида 19 млрд. 213 млн. 842 минг 400 сўмлик тайёр маҳсулотлар нақд пулга сотилган бўлса, маҳсулотнинг маълум қисми ноқонуний равишда АҚШ долларига алмаштирилган. Жами 5 млрд. 714 млн. 522 минг 500 сўм нақд пуллар ва 203 минг 518 АҚШ доллари И.Чингиташ раҳбарлигидаги уюшган гуруҳ аъзоси Б.Юлдашев орқали Туркияда жойлашган «Beta Gida Sanayi ve Ticaret A.S.» компаниясига етказилиши таъминланган.

Ҳар ишнинг интиҳоси бўлгани каби, Махсун Гулнинг ҳам ноқонуний тадбиркорлик фаолиятига якун ясалди.

Юртимизнинг қонунлари ва бунга доир муносиб талаблари борлигини унутган кимсаларга нисбатан суд ўзининг қатъий ҳукмини ўқиди.

**Шухрат ХУСЕНОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари.**
**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Huquq» мухбири**

**Баъзи жиноят турларининг тарихига назар соладиган бўлсак, уларнинг узоқ даврларга бориб тақалишига гувоҳ бўламиз. Масалан, ўғирлик жинояти башарият тарихининг илк паллаларидан мавжуд бўлганлигини ҳеч ким инкор қилолмайди. Фирибгарлар эса эрамиздан аввалги 246 йилларда ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан қўлёзма ҳужжатларни атайин «эскиртириб» қадимий пергамент сифатида сотишни кенг қўллашган экан.**

**Юқорида икки жиноят турини тилга олганимиз бежиз эмас. Ушбу жиноятларни амалга оширувчи шахс маълум маънода ақл-идрокини ишга солмасдан иложи йўқ. Айниқса, фирибгарларнинг амалга оширган «ишлари» ҳақида эшитган одам борки, шу истеъдодини яхши амалларга йўналтирса бўлмасмиди, дея ўйлаб қолади. Қуйида мисол қилиб келтирилган жиноятчилар маълум маънода ўз номларини тарихда қолдиришга эришишган. Бироқ бундай машҳурликдан бирор наф бормикан?**



# Фириб кўчасига кириб

Бир киши томонидан ўғирлаб кетилган энг катта предмет ҳақида гап кетганда, 1966 йилда Канада бандаргоҳларидан бирида содир бўлган воқеани мисол қилиб келтириш айни муддао бўлса керак?! Ўшанда бир киши қалбаки ҳужжатлар билан бутун бошли кемани ўғирлаб кетишга муяссар бўлган.

Қалбаки ҳужжатларни ҳам жиноят қуроллари орасида энг хавфлиларига киритиш мумкин. Сабаби тажрибали фирибгар қўлидаги қалбаки ҳужжат катта муаммоларни келтириб чиқариши тайин. Бу нарсага 1989 йили Италиядаги Дел Лаворо Миллий банки маъмурияти амин бўлган. Уч-тўрт варақ қалбаки ҳужжатлар сабаб банк 5 миллиард доллар йўқотган.

Фирибгарлик жиноятлари фақат қалбаки ҳужжатлар орқали амалга оширилади деб ўйлашга шошилманг. Меъморчилик ишларида ҳам ёқа ушлашга мажбур қиладиган фирибгарликларни учратиш мумкин. 1961 йилда Игнасио черковининг қурилишида пудратчилар қурилишга ажратилган маблағларни ўзлаштиришга қизиқиб кетганларидан черковнинг гумбазини қуришга келганда сариқ чақа ҳам қолмагани аён бўлади. Лекин... Можаролар қурилиш ишлари битганидан сўнг бошланди. Аввалига черковга ташриф буюрган кишилар гумбазнинг ҳажми ва ичига туширилган расмларни кўриб ҳайратга тушишган. Бироқ, черковнинг сиртига назар солинганда унда ҳеч қандай гумбаз қурилмаганлигига гувоҳ бўлишади. Можаролар ҳам шундан бошланади. Пудратчилар қурилмаган гумбазни қандай қилиб бор қилишган дейишингиз табиий. Бу фирибни амалга оширишда уларга рассомлар ёрдам беришган. Черковнинг шипига расмлар шу қадар маҳорат билан чизилган эдики, у гўё катта гумбаз бор каби тасаввур уйғотарди.

Энг қизиғи шундаки, кўпинча ёлғон маълумотлар ёки қалбаки ҳужжатлар ўз «ишини» қилиб бўлганидан сўнг аниқланади. Мисол учун дунёга машҳур нашрлардан ҳисобланган «Тайм» ва «Штерн» газеталари 1983 йилда бир вақтнинг ўзида Гитлернинг кундаликларини босиб чиқаришни бошлашган. Иккала газетанинг саҳифаларида бериб борилаётган кундаликлар бир-биридан фарқ қилишига қарамасдан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган. Ўз-ўзидан нашрларнинг сони ошиб кетган. Кейинроқ эса иккала кундалик ҳам қалбаки эканлиги маълум бўлади.

Қалбаки санъат асарлари билан боғлиқ яна бир факт ушбу соҳада фирибгарлар яхшигина даромад топишларига мисол бўлади. 1911 йилда машҳур «Мона Лиза» асари ўғирлаб кетилгандан сўнг, дунёда ушбу асарнинг қалбакилари кўпайиб кетди. Ўша пайтларда уддабурон фирибгар гўёки асл «Жоконда»ни 6 нафар америкалик санъат асари ишқибозларига сотишга муяссар бўлган. Ҳар бир харидор асар учун 3 миллион доллардан тўлаган.

Фирибгарлик жиноятининг бенуқсон амалга ошиши учун жабрланувчининг анойилиги ҳам эътиборга олинади. Сизга биров сиз фалон йили яшаб ўтган фалончи лорднинг авлоди эмансиз деса, бунга ишонишингиз қийин бўлади. Лекин сиз фалончи хоннинг авлодларидан бири эмансиз дейишса, бу маълумотга бошқачароқ ёндашишингиз мумкин. 1921 йилда фирибгар Оскар Хартцел қароқчи Фрэнсис Дрейкнинг бойликлари топилгани муносабати билан уларни қароқчининг авлодлари ўртасида бўлиниши ҳақидаги хабарни тарқатади. Ўзини қароқчининг авлоди деб билганлар кўплаб топилади. Оскар топилган бойликдан улуш олиш учун маълум ҳужжатларни топшириш ва ушбу ҳужжатларни ўрганиб чиқиш учун маълум бадал тўланиши кераклигини айтади. Ажойиб режа асосида бадаллар йиғиб олингач, Оскар изсиз ғойиб бўлади.

Баъзида амалга оширилган фирибгарликнинг бир эпизоди эмас, балки бир неча йиллар давомида турли фирибгарликларни амалга ошириб келган шахсларнинг исми тилдан тилга ўтиб юради. 1948 йилда туғилган Фрэнк Абегнейл ҳақида ҳатто Голливуд киноижодкорлари фильм ҳам олишган. Бош ролни Леонардо Ди Каприо ижро этган бу фильмни кўпчилигимиз томоша қилганмиз. Фрэнк 17 ёшида АҚШдаги энг катта банк ўғриларидан бири ҳисобланарди. 1960 йилларда фирибгар қалбаки банк чеклари орқали 5 миллион долларга яқин суммани қўлга киритишга муяссар бўлади. Шу билан бир қаторда, у қалбаки ҳужжатлар билан турли авиакомпаниялар орқали дунё бўйлаб саёҳатларга чиққан. Ушбу саёҳатларнинг сони ҳалигача аниқ эмас.

Кейинроқ Фрэнк 11 ой давомида Жоржиа штатидаги шифохоналардан бирида педиатр ролини «ижро этади». Докторлик жонига теккач, Гарвард университетининг қалбаки дипломини ясаб, Луизиана штатининг бош прокурори офисида иш бошлайди.

Беш йил давомида «моҳир» фирибгар 8 тага яқин турли касбларда ишлаб улгурган. Сохта чеклар орқали 26 та мамлакатдаги турли банклардан пул суммаларини олишга улгурган. Фрэнк «ишлаб» топган пулларини асосан дабдабали ҳаёт кечиришга сарфлаган.

Сохта Рокфеллер номини олган, 1967 йилда туғилган Кристофер Роканкурт ҳам 2001 йилда Канадада қўлга тушгунга қадар ўз уйдирмаларига кўпчиликни лаққа туширган. Кристофер ўзини кўпинча Билл Клинтонинг яқин дўсти ёки Рокфеллерлар оиласининг аъзоларидан бири деб таништирарди. У 2000 йилда Нью-Йорк штатида қўлга олинганида қочиб кетишга муваффақ бўлган. Ўшанда у бир неча америкалик бой фуқаролардан алдамчи йўллар билан умумий ҳисобда 1 миллион доллар пулни қўлга киритганликда айбланаётган эди.

Жиноятчи ОАВ орқали ўзини очиқчасига Кристофер Рокфеллер, дея таништирарди. Аслида у оддий ишчи оиласида туғилган, ота-онаси номаъқул ҳаёт йўлини танлаганликлари учун уни болалар уйига топшириб юборишганди.

2002 йилда Канада ҳукумати Роканкуртни АҚШга топширди. У 11 та айбдан фақат 3 тасини: ўғирлик, контрабанда, пора олиш ва ёлғон кўрсатма берганлигини тан олди. Унинг айтишича, «фаолияти» давомида фириб ва алдамчи йўллар орқали бадавлат кишилардан умумий ҳисобда 40 миллион долларга яқин суммани ўзлаштирган.

Навбатдаги «қаҳрамон»имиз эса турли касб ва лавозимларда ишлаш бўйича барчани ортда қолдирса ажаб эмас. Фердинанд Демарни бекорга «Буюк сохтакор» деб аташмаган. 1921 йилда туғилган Фердинанд Уолдо Демар умри давомида монахдан тортиб хирургача, ҳатто қамоқхона бошлиғи каби кўплаб касб ва лавозимлар эгаси бўлиб кўрган. Демар 1941 йилда ҳарбий хизматга чақирилганида илк сохталигини амалга оширган. Ўшанда у ҳужжатларда ўзининг исми шарифи ўрнига дўстиникини кўрсатган. Ҳаттоки ўрта мактабни тугатмаган Демар навбатдаги касб эгаси ролини ўйнаш учун тегишли сохта дипломни ясарди.

Фирибгарлик фаолияти давомида Демар қурувчи-муҳандис, шериф ўринбосари, қамоқхона бошлиғи, психология доктори, адвокат, болалар ҳуқуқи бўйича эксперт, муҳаррир, саратон касаллиги бўйича мутахассис, хирург ва ўқитувчи бўлиб кўрган. Қизиғи шундаки, Демар ҳеч бир ҳолатда моддий манфаатни кўзламаган. Эҳтимол унинг учун ижтимоий мавқе муҳимроқ бўлгандир. У 1982 йилда вафот этган. Унинг ҳаёти ҳақида китоб ёзилган ва фильм суратга олинган.

Фирибгарликнинг баъзи кўринишлари атрофдагиларга катта жабр келтирмаслиги ҳам мумкин. Лекин уларни фирибдан бошқа нарса дейиш қийин. Машҳур немис дуэтининг аъзолари (афсуски уларни қўшиқчи деб бўлмайди) томонидан амалга ошириб келинган «уддабуронлик» ҳам бир қарашда хавфсиз кўринади, бироқ...

Роб Пилатус ва Фабрис Морван томонидан 1980 йилларда тузилган Милли Ванилли (Milli Vanilli) номли мусиқий дуэт тингловчилар орасида тезлик билан машҳур бўлиб кетди. Натижада 1990 йилга келиб мусиқий дуэт аъзолари мусиқа оламидаги энг нуфузли мукофотлардан бири ҳисобланган Грэммига (Grammy) муносиб деб топилди. Аммо кейинроқ маълум бўлишича дуэт аъзолари биронта ҳам қўшиқни ўзлари ижро этмаган эканлар. Дуэтнинг қўшиқларини студияда умуман бошқа кишилар куйлаб бериши аён бўлгандан кейин мусиқий дуэтдан Грэмми мукофоти олиб қўйилган.

Мусиқий дуэт фаолияти давомида 8 миллионта сингл қўшиқлар ва 14 миллионта пластинка сотишга муваффақ бўлишган.

Йиллар давомида саҳнада туриб, гўё қўшиқ куйлаётгандай кўзбўямачилик қилиш унчалик катта маҳоратни талаб қилмайди. Буни маҳаллий шоу-бизнесимизнинг юлдузлари яхши билишади. Лекин ўзини ўзга сайёралик ёки тропик ороллардаги қабила аъзоси қилиб кўрсатишдан мушкулроғи бўлмаса керак. Баъзилар эса бундай ишларни писта чақиш каби осонлик билан уддалайди.

1817 йилда Глостершир шаҳрида экзотик кийим кийган номаълум тилда гапираётган жувон барчанинг эътиборини тортади. Маҳаллий аҳоли жувоннинг тилини тушунтириб беришлари учун чет эллик сайёҳларга мурожаат этишди. Охир-оқибат португалиялик денгизчи аёлнинг гапларини «таржима» қилиб берди. Унинг айтишича, жувон Ҳинд океанида жойлашган Карабу оролининг маликаси экан.

Нотаниш жувоннинг ҳикоя қилишича, у денгиз қароқчилари томонидан ўғирлаб кетилган. Кейин кема ҳалокатга учраб, жувон жонини сақлаб қолган.

Ушбу воқеадан сўнг Карабу маликаси 10 ҳафта мобайнида омма эътиборида бўлди. У турли-туман экзотик кийимлар билан ясанарди, дарахтларга чиқиб ғалати тилда қўшиқлар куйларди. Ҳатто атрофдагиларга эътибор бермасдан ҳовузда яланғоч сузарди.

Бироқ орадан кўп вақт ўтмасдан Нил исмли аёл «Карабу маликаси»ни таниб қолади. Сохта малика аслида оддий этикдўзнинг қизи Мэри Бейкер эди. Миссис Нилнинг таъкидлашича, Мэри унинг уйида чўри бўлиб ишлаган даврида ўзи ўйлаб топган тушунарсиз тилда гапириб болаларни кулдирарди. Мэри ёлғонини тан олишга мажбур бўлган. Умрининг охирларида у Англиядаги шифохоналардан бирида зулук сотиш билан шуғулланган.

Бу каби уйдурмалар айниқса олимларни чалғитиши табиий. Янги цивилизация, қабилалар, улар билан боғлиқ маданият, тил ва ҳоказолар ҳақида қайси олим биринчилар қаторида илмий иш қилишни хоҳламайди дейсиз. Жорж Псалманазар ҳам мана шундай биринчилардан бўлишни истарди. 1679 йилда туғилган Псалманазарнинг айтишича, у Формоза ороли аборигенлари маданияти билан бевосита танишган Европадаги биринчи киши эди. У шимолий Европага 1700 йилларда келди. Псалманазар уст-боши ва кўринишидан асл европаликка ўхшашига қарамасдан, узоқ Формоза оролидан келганлигини, у ерда аборигенлар қўлига тушиб қолганлигини таъкидларди. Гапларининг исботи учун у аборигенларнинг урф-одат ва маданияти ҳақида батафсил айтиб берарди.

Ушбу маълумотлар катта қизиқиш уйғотаётганлиги сабабли Псалманазар «Формоза оролининг тарихий ва географик солномаси» номли асарини чоп этди. Псалманазарнинг ёзишича, «...оролдаги эркаклар бутунлай яланғоч юришади. Аборигенларнинг севимли таомлари эса илон гўштидир».

Мазкур китобда келтирилишича, формозонликларда кўпникоҳлилик қабул қилиниб, эркакларга хиёнат қилган рафиқаларини еб қўйиш ҳуқуқи берилган.

Жумладан, аборигенлар қотилларни оёқларидан осиб қўйиб жазолашаркан ва ҳар йили сиғинадиган худоларига 18 минг нафар ўспиринларни қурбонлик қилишаркан. Формозонликлар транспорт воситаси сифатида от ва туялардан фойдаланишар экан.

Китобда оролликларнинг алифбоси ҳам келтирилган эди. Ушбу китоб кенг кўламда оммалашиб кетди. Псалманазарнинг ўзи эса орол ҳаёти ҳақида маърузалар ўқий бошлади. 1706 йилда бу ўйин Псалманазарнинг жонига теккан шекилли, у ҳаммани алдаганини ва барча айтганлари уйдирма эканлигини тан олган.

Эътибор берган бўлсангиз, юқорида келтирилган фирибгарлик турларининг аксарияти узоқ даврлардан келтирилган. Бундай сохтакорликларни бугунги кунда амалга ошириш жуда қийин. Бунинг сабаблари кўп. Замондошларимиз аввалгилардан анча зийрак, қонунларнинг қамрови ҳам кенгайган, энг асосийси ахборот асрида яшамоқдамиз. Бугунги кунда сохта маълумотларни аслидан ажратиб олиш мушкул эмас. Ўқувчиларда нега замонавий фирибгарларнинг кирдикорларидан лавҳалар йўқ деган савол ҳам туғилиши мумкин. Келгуси сонларда балки уларга ҳам тўхталармиз.

**ТЕМУРБЕК тайёрлади**

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

ISSN 2010-7617

Buyurtma Г — 56. 29 457 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 20.30 1 2 3 4 5 6 7 8